

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Қ.ЎРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙЎЛДОШ ҚОРИ

Висмут-сурма теллурид юпка пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири..... 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАИТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш 13

М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни α -фенилэтилспирт билан алкиллаш 19

Ш.МУХИДИНОВА

Ташқи муҳит ва мактабгача таълим муассасалари объектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари 24

Г. ЮЛДАШЕВ, Г.СОТИБОЛДИЕВА

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари 29

О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕХҚОНБОЕВА

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамойиллари 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар 38

А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили 41

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни 46

А.САЛМОНОВ, Д.ЮСУПОВ

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) 50

А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олима 53

Б.УСМОНОВ

Фарғона водийсининг Амир Темура давлати таркибига киритилиши 56

М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ

Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари 60

ТАШҚИ МУҲИТ ВА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИДА САНИТАР-ГЕЛЬМИНТОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

Ш.Муҳидинова

Аннотация

Мақолада атроф-муҳитнинг паразит қўзғатувчилар билан ифлосланиш даражаси ва паразитларнинг тарқалишидаги эпидемиологик қонуниятларни ўрганиш масаласи таҳлил этилган.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос уровня загрязнения окружающей среды возбудителями паразитов и эпидемиологической закономерности распространения паразитов.

Annotation

In this article the problem of epidemiological law of distribution of parasites and degree of pollution of an environment by activators of parasites is considered.

Таянч сўз ва иборалар: гельминтлар, лямблиоз, трихомоноз, аскаридоз, трихоцефалёз, энтеробиоз, интерорецепторлар, иммуносупрессия, циста, содда жониворлар.

Ключевые слова и выражения: гельминты, простейшие, лямблиоз, трихомоноз, аскаридоз, трихоцефалёз, энтеробиоз, интерорецепторы, иммуносупрессия, циста, простейшие.

Key words and expressions: helminthes, lyamblioz, trichomonoz, ascariasis, trichocephalosis, enterebioz, interoreceptors, immunosuppression, cysts, protozoa.

Инсонларда учрайдиган паразитар касалликлар дунё аҳолиси ўртасида ёппасига тарқалганлиги, айти вақтда глобал муаммо эканлиги билан ўрганилишга муҳтождир. БЖССТ экспертлари маълумотларига қараганда, ҳар йили 2 млн. одам лямблиялар билан зарарланади (Осиё мамлакатлари, Африка, Лотин Америкаси). Россияда 100 минг аҳолига нисбатан лямблиоз билан зарарланишнинг интенсив кўрсаткичи 90.0 ни, шундан 14 ёшгача болалар ўртасида 350.0 ни ташкил этади [10]. Ер юзида 4,5 млн. одам паразитар касаллик билан касалланган. Бу фақат ташхис қўйилган ҳолатлар бўлиб, реал касалланиш кўрсаткичи эса анча юқори [5]. Бугунги кунда одам паразитар касалликлари ичида гижжалар кенг тарқалган. Айтиқса, болаларда кўп учровчи касаллик сифатида қолмоқда [7].

Ўзбекистонда гельминтларнинг 10 дан ортиқ тури маълум [1]. Баъзи бир болалар жамоаларида болаларнинг гельминтлар билан зарарланиш даражаси 30% ва ундан юқори кўрсаткичларни ташкил этади [2]. Гижжалар сурункали касалликларни, психозэмоционал бузилишларни, анемия ва бошқа касалликларнинг шаклланишига имкон туғдиради.

Узоқ давомли гижжа инвазияси иккиламчи иммунодефицитларни ривожлантириши мумкин [3]. Шунингдек, соматик ва инфекцион патологик жараёнларнинг

ривожланишига замин яратади [2]. Барча гижжаларнинг умумий патологик таъсири аллергизация ва иммунодепрессив ҳолат ҳисобланади [6].

Паразитларга қарши курашда эришилган ютуқларга қарамай ер шаридаги мавжуд касалликлар таркибида уларнинг солиштирма оғирлиги юқорилигича қолмоқда. Ер юзида деярли ҳар бир инсон ўз ҳаёти давомида бир мартаба бўлса ҳам бир, икки ёки ундан кўп паразит қўзғатувчиси билан зарарланган. Айтиқса, лямблиоз, трихомоноз, аскаридоз, трихоцефалёз, энтеробиоз каби паразитлар кенг тарқалган ва аҳоли саломатлигига анчагина зиён етказиши тиббиёт нуқтаи назаридан кузатилган [2.1].

Маълумотларига қараганда 3.9% текширилганларнинг 3.1%ни энтеробиоз, 0.7%ни гименолепидоз, 0.1%ни аскаридоз, 0.04%ни тениаринхоз билан касалланганлар ташкил этган. Зарарланган болалардан 14 ёшгача болалар улуши 88%ни ташкил қилган. Лямблиоз қўзғатувчиларининг ташувчилари бўлиб, деярли барча замонавий шаҳар аҳолиси ҳисобланади. Бироқ катта ёшдаги аҳолининг зарарланиш кўрсаткичи 10%ни ташкил этади. Тиббий статистикага биноан болалар ўртасида зарарланиш кўрсаткичи 40-50%га тенг [8]. Лямблиоз қўзғатувчиси чидамли бўлиб, ташқи муҳит ҳароратига қараб

Ш.Муҳидинова – Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси.

нажасда 2-24 суткагача, сувда 15-70 суткагача, пешобда эса 3-4 суткагача сақланиши мумкин. Шунингдек, мактабгача болалар муассасаларидаги буюмларда лямблиоз цисталари билан ифлосланиш кўрсаткичи бирмунча юқори, яъни олинган суртмалардан: болаларни ўйнаш хоналари ва хожатхона эшик сопларида 6%, болалар кўлларида 3%, болалар тувакларидида 2%, ўйинчоқларда 0.2%ни ташкил этган. Озиқ-овқат блокида ишлайдиган ходимларнинг кўлларида олинган суртмаларда цисталар аниқланмаган [9]. Гижжаларни текшириш усулларида аниқлик 15-20%дан ошмайди. Натижа гижжа инвазияси босқичига, унинг фаоллиги вақтига, текширилувчи материалдаги концентрациясига, лаборантнинг касбий маҳоратига боғлиқ [4].

Муаммони ҳал этишда антропоген омил таъсири, демографик силжиш, миграция ўсишини ҳисобга олиб, ҳудуднинг паразитологик ҳолатини кўп йиллик башоратини ишлаб чиқиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли ўртасида касалликларнинг камайтиришга йўналтирилган самарали чора-тадбирлар тизмини ишлаб чиқиш даркор.

Тадқиқотдан мақсадимиз, атроф-муҳитни паразит кўзғатувчилари билан ифлосланиш даражасини ва паразитларнинг

тарқалишидаги эпидемиологик қонуниятларни ўрганиш.

Тадқиқот материаллари сифатида атроф-муҳит объектларида олиб борилган санитар-гельминтологик текширув натижаларининг эпидемиологик таҳлил ўрганиб чиқилди. Таҳлили олиб бориш учун Фарғона вилояти ҳудудларидаги ташқи муҳит объектларидан, сабзавот ва мевалардан, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари (МТМ) объектлари ҳамда маиший буюмларидан олинган суртма намуналари натижаларидан фойдаландик (1-жадвал). Олинган суртмаларда паразит кўзғатувчиларни аниқлаш учун паразитологик лабораторияда натив препарат ва Люголь эритмасида бўялган препаратларни текширишда микроскопик усуллардан фойдаланилди. Олинган натижалар Фарғона вилояти ДСЭНМ паразитология бўлимида ҳисобга олинди. Ҳар бир аниқланган ҳодиса бўйича профилактика ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар олиб борилди. Ишни олиб боришда паразитологик, эпидемиологик ва статистик текширув усулларида фойдаланилди.

Олиб борилган санитар-гельминтологик текширувлар натижаларининг солиштирилган таҳлили қуйидаги жадвалда келтирилган:

1- жадвал.


Санитар-гельминтологик текширувлар натижаси

№	Текширилган объектлар	Жами текширилган намуналар	Зарарланиш кўрсаткичи	
			Абсолют сон	Интенсив кўрсаткич (100.000 аҳолига)
1.	Тупроқ	309	2	0,05
2.	Сабзавот ва мевалар	652	3	0.09
3.	Турли объектлардан олинган суртмалар	11186	120	3,5
4.	Мактабгача болалар муассасалари объектларидан олинган суртмалар	9465	232	6,8

Жадвалда акс этирилган рақамли маълумотлардан кўриниб турибдики, тупроқни паразитлар билан зарарланиш индексини аниқлаш учун олиб борилган жами текширув намуналарининг сони 309ни ташкил этиб, зарарланиш индекси 0,05га тенглиги, сабзавот ва меваларни паразитлар билан зарарланиш индексини аниқлаш учун олиб борилган жами текширув намуналарининг сони 652та бўлиб, зарарланиш индекси 0,09га, турли объектлардан олинган суртмалар сони 11186та бўлиб, зарарланиш индекси (энтеробиоз аниқланган) 3,5ни, мактабгача

таълим муассасаларидан олинган суртмалар сони 9465та, зарарланиш индекси 6,8га тенг бўлиб, энг юқори кўрсаткични ташкил этади. Бундай рақамли маълумотларни Г.Е.Зайденварг ва Г.Г.Онищенколар ҳам келтирганлар.

Юқорида келтирилган жадвалдаги маълумотларга биноан мактабгача таълим муассасаларидаги зарарланиш индекси бошқа объектларга нисбатан юқоридир. Бу ҳолат қуйидаги диаграмма кўринишидаги манзарани келтириб чиқаради:



1- расм. Санитар-гельминтологик текширув натижаларининг объектлар бўйича тақсимланиши.

Демак, санитар-гельминтологик текширув олиб борилган 21612та объектдан 357таси паразитлар билан ифлосланган. Турли объектларда ва мактабгача таълим муассасаларида зарарланиш ҳоллари тупроқ ва мева-сабзавотларда юқори экани кузатилди. Бизнинг назаримизда, жамоат жойларида фойдаланиладиган маиший мулоқот буюмлари, мактабгача таълим муассасаларида паразит ташувчиларнинг тўлиқ аниқланмаслиги, санитария кўникмаларининг етишмаслиги, дезинфекция ишларининг ўз вақтида ва тўлақонли олиб борилмаганлиги ушбу ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, паразит кўзғатувчиларининг реализациясида ижтимоий

омилнинг улуши юқори. Салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида мева ва сабзавотлардан фойдаланишда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш, турли объектларда, хусусан жамоат жойларида фойдаланиладиган маиший-мулоқот буюмларидан камроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса ўз навбатида буюмларни бир мартаба ишлатиладиганларига алмаштиришни тақозо этади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига шахсий гигиена қоидаларини ўргатиш, уларда санитария-гигиена кўникмаларини шакллантириш ва муассасада жорий дезинфекция ишларини тўғри ташкил этиш ҳамда уни сифатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Абдиев Т.А. Гельминтозлар (гижжа касалликлари) ва уларга қарши курашнинг ташкилий асослари. // Ўқув-услубий қўлланма. – Самарқанд, 2011.
2. Белоусов Ю.В. Лямблиоз у детей: лечить или не лечить? // Медицинская газета «Здоровье Украины». – 2013.
3. Гельминтозы в Украине: Современное состояние проблемы // Новости медицины и фармации. – 2012.– №10(416).
4. Дегельминтизация детей школьного возраста: Справочник для руководителей программ по борьбе с гельминтозами// Всемирная организация здравоохранения. – 2011.
5. Ершова И.Б., Осычнюк Л.М. Методы диагностики гельминтозов на современном этапе. // «Актуальная инфектология». –2014.–№ 2 (3).
6. Ершова И.Б., Мочалова А.А., Лохматова И.А. Профилактика гельминтозов при вакцинации. // «Актуальная инфектология». –2015.–№ 1 (6).
7. Кривоустов С.П., Щербинская Е.Н., Логинова И.А. Гельминтозы в клинической педиатрии: вопросы диагностики, терапии, профилактики // Здоровье ребенка. –2011. –№4(31)
8. Сайт: medikrugozor.ru. 2013.
9. Сайт: www.eurolab.ua. 2013.
10. Сайт: www.invazii.ru

(Тақризчи: Э.Исақов, тиббиёт фанлари доктори).